



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 28 » май

№ 340

Toshkent sh.

Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Мажкамаси қарор қиласди:

1. Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ўзаро ҳамкорликда мамлакат бўйлаб кексаларнинг саёҳат қилишини рафбатлантириш мақсадида ҳар йили 1 ноябрдан 30 ноябргача “Кексалар учун туризм ойлиги”ни эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

“Кексалар учун туризм ойлиги” доирасида:

а) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

худудлардаги туризм инфратузилма обьектлари (жойлаштириш воситалари, умумий овқатланиш шохобчалари) томонидан ихтиёрий тақдим қилинадиган чегирмалар ва акциялар тўғрисида ўз расмий веб-саҳифасида эълон қилиб борсин;

Транспорт вазирлиги, “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда саёҳат қилувчилар учун вилоятлараро қатновчи автобус, авиа ва темир йўл чипталарига ихтиёрий чегирмаларни эълон қилиш ҳамда лицензияси бор тадбиркорлик субъектларининг ташиш хизматларига ихтиёрий чегирмалар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва эълон қилиш чораларини кўрсинг;

Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, “Вақф” хайрия жамоат фонди билан биргаликда республикадаги маданий мерос объектларига кириш чипталарига чегирмалар эълон қилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган саёҳат қилувчи кексалар рўйхатини ҳар йили 1 октябрга қадар шакллантирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон ногиронлар жамияти **“Саёҳат барча учун!”** хайрия саёҳати лойиҳаси доирасида биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар учун мамлакат бўйлаб йилига бир маротадан кўп бўлмаган саёҳатни ташкил қилиш чораларини кўрсинг.

Бунда:

саёҳат давомида саёҳатчиларни жойлаштириш, овқатланиш ва транспорт хизматлари учун маблағларнинг **50** фоизи – **“Саёҳат барча учун!”** хайрия маҳсус ҳисобварағидан, **50** фоизи – Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-кувватлаш “Нуроний” жамғармаси (кейинги ўринларда – “Нуроний” жамғармаси) маблағлари ҳисобидан қопланиши;

саёҳатларни ташкил этишда ички туризм фаолияти билан шуғулланувчи, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган кексаларга хизмат кўрсатиш учун мос транспортга ва саёҳат режасига эга туризм соҳаси субъектлари билан танлов асосида шартнома тузилиши инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларга берилаётган ижтимоий, тиббий ва майший хизматларнинг турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) “Нуроний” жамғармаси ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш мақсадли жамғарма билан биргаликда фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

б) Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши:

кексайишни секинлаштириш, кексаларнинг саломатлигини асрашга қаратилган маҳсус тиббий соҳа – геронтологияни ривожлантиришнинг ташкилий-хукуқий асослари ва соҳага оид тузилмалар фаолиятини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва “Нуроний” жамғармаси 2020 йил 1 октябрга қадар дунё ҳалқларининг кексалар ва нуронийлар турмуш тарзи ва ҳаёт йўллари, уларга берилаётган эътибор билан боғлиқ энг илғор тажрибаларни жамлаб, ягона тўплам ҳолида чоп этсин ва таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамда “Нуронийлар масканлари” мажмуаларига етказиб беришни ташкил қиласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик мухитини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган, ёши улуғ авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни 2020 йил давомида тизимли асосда амалга оширсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ногиронлар ва маҳаллаларда яшайдиган ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари кўрсатувчи идоралар ва хизматлар фаолияти бўйича таъсирchan назорат ўрнатсин;

маҳаллий бюджет ва унинг орттириб бажарилган қисмидан ўзгалар парваришига мухтоҷ ва ёлғиз кексаларнинг тураг жойларини таъмирлаш ишларини назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “28” майдаги 340-сон қарорига
илова

**Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш
бўйича чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочиilar
I. Кексаларни қўллаб-қувватлаш ва согломлаштириш тадбирлари				
1.	Фуқаролар йигинларида кекса авлод вакилларига кўмак берувчи “Нуронийлар эъзозимиизда” кўнгилли патронаж ёшлар гурӯҳларини ташкил этиш.	1. Ёшлар гурӯхини шакллантириш. 2. Жойларда кексалар ва фахрийларни аниқлаш. 3. Ёшлар гурӯхи томонидан уларнинг холидан хабар олиш, уларга зарур ёрдамлар кўrsатиш.	2020 йил 1 июнга қадар	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манбаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Нуронийлар учун “Нуронийлар масканлари” мајмуаларида, маҳалла гузарларида ҳамда аҳолининг маданият ва дам олиш марказларида, маданият уйларида ва истироҳат боғларида “Эҳтиром, эъзоз, эътибор” концерт дастурларини ташкил этиш.	1. Режа ишлаб чиқиши. 2. Режа асосида йил давомида маданий тадбирларни ташкил қилиш.	2020 йил июндан бошлаб, режа асосида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3.	Ҳар йили октябрь ойида “Кексалар ҳаftалиги”ни юкори савиядга ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	1. Чора-тадбирлар ишлаб чиқиши. 2. Режа асосида амалга ошириш.	2020 йил октябрдан бошлаб ҳар йили	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, манбаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Кексаларда сурункали, шу жумладан яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш йўли билан	1. Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши.	2020 йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

	<p>касалликлар профилактикасини кучайтириш мақсадида:</p> <p>7-9 нафар тор мутахассислар (невролог, оториноларинголог, офтальмолог ва бошқалар), қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорларидан иборат гурухлар иштирокида кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш;</p> <p>чекка худудларда жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласавий поликлиникаларга бириктирилган 150 минг нафар кексаларни республиканинг ихтисослаштирилган жойлардаги тиббиёт марказлари ва олий таълим тиббиёт муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш;</p> <p>сурункали касалликка чалинган кексаларни даврий диспансер кўригидан (касаллик кечишига кўра ҳар йили 2–6 марта) ўтказиш.</p>	<p>2. Жойларда кексалар ва фахрийларни аниқлаш.</p> <p>3. Чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ туманларидаги кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриклар билан тўлиқ қамраб олиш.</p> <p>4. Уларни амбулатория ёки стационар шароитда согломлаштириш.</p>		вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	<p>Экологик жиҳатдан ноқулай худудлар, (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари) шунингдек, олис ва чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ижтимоий химояга муҳтож оилаларни, шу жумладан кексаларни тиббий кўриқдан ўтказиб, согломлаштириш мақсадида “Саломатлик” поездларини ташкил этиш.</p>	<p>1. Чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кексалар ва ёлғиз қариялар рўйхатини худудлар кесимида аниқлаш.</p> <p>3. Режа асосида худудларга “Саломатлик” поездларини ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил июнь ойидан бошлаб, режа асосида</p>	Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги, “Софлом авлод учун” фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	<p>Кексаларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун:</p> <p>“Нуронийлар масканлари” мажмуаларида, маҳалла гузарларида ҳамда аҳолининг маданият ва дам олиш марказларида маҳсус тўғараклар, шунингдек, улар учун оммабоп фильмлар намойишини ҳамда мумтоз мусиқа асарларини тинглаш имкониятига эга бўлган қизиқишлиар бўйича мулоқот клубларини ташкил этиш;</p>	<p>1. Бажарувчиларнинг тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Дастур асосида кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>3. Чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ туманларидаги кексаларни</p>	<p>2020 йил июнь ойидан бошлаб</p>	Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги

	ҳар бир маҳалла фуқаролар йигинлари хузурида кексалар учун яқин атрофда жойлашган спорт иншиотлари, таълим муассасаларининг спорт заллари, оиласиий поликлиникаларининг даволаш-жисмоний тарбия кабинетлари негизида доимий ишлайдиган соғломлаштириш гурухларини ташкил этиш.	тўлиқ қамраб олиш ва уларга ҳар томонлама кўмак бериш.		
--	--	--	--	--

П. Кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш юзасидан тадбирлар

7.	Кекса ҳарбийлар билан мактаб ўкувчилари ўртасида “Менинг ҳаёт йўли” мавзусида учрашувлар ташкил этиш.	1. Бажарувчиларнинг кўшма режасини ишлаб чиқиши. 2. Режа асосида тадбирларни ташкил қилиш.	2020 йил июнь ойидан бошлаб	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Халк таълими вазирлиги
8.	“Темурбеклар” мактаби тарбияланувчилари, ҳарбий хизматчилар ва кекса авлод вакиллари ўртасида “Уч авлод” учрашувини ташкил этиш.	1. Тадбирлар режасини ишлаб чиқиши. 2. Режа асосида учрашувларни ташкил қилиш. 3. Унда кекса авлод вакилларининг иштироқини таъминлаш.	2020 йил июнь ойидан бошлаб, режа асосида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
9.	“Жамоатчилик назоратини самарали ташкил этишда кекса авлод вакилларининг ўрни” мавзусида худудларда семинарлар ташкил этиш.	1. Ташкилий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши. 2. Семинарни ўтказиш тартибини ишлаб чиқиши. 3. Режа асосида худудларда семинарлар ўтказиши.	2020 йил июль-август	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси, Адлия вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Кексаларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун: маҳалла гузарларида ҳамда аҳолининг маданият ва дам олиш марказларида улар учун оммабоп фильмлар намойиш қилиш ҳамда мумтоз мусиқа асарларини тинглаш имкониятига эга бўлган қизиқишилар бўйича мулоқот клублари ташкил этиш; ҳар бир маҳалла фуқаролар йигинларида кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун яқин атрофда жойлашган спорт иншиотлари, таълим муассасаларининг спорт заллари, оиласиий	1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши. 2. Жойларда кексаларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш. 3. Кексаларнинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш.	2020 йил давомида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	поликлиникаларнинг даволаш-согломлаштириш хоналари негизида доимий ишлайдиган согломлаштириш гурухлари ташкил этиш.			
11.	Маҳаллаларда кексалар ва фахрийлар ўртасида тонгти жисмоний тарбия машғулотларини мунтазам ташкил этиш, шунингдек, “Ҳар куни 5 минг қадам” шиори остида пиёда юриш тадбирларини уюштириш.	1. Маҳаллалар кесимида режа ишлаб чиқиш. 2. Маҳаллаларда машғулот ўтказадиган спорт мураббийларини аниқлаш. 3. Тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиш.	2020 йил давомида	Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
III. Кекса авлод вакиллари учун мамлакат бўйлаб зиёратларни (саёҳат) ташкил қилиш юзасидан тадбирлар				
12.	Мамлакат бўйлаб кекса авлод вакилларининг саёҳат қилишини рағбатлантириш мақсадида “Кексалар учун туризм ойлиги”ни ташкил қилиш.	1. Бажарувчиларнинг ташкилий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. 2. Режа асосида республиканинг дикқатга сазовор қадамжоларига ташрифини ташкил қилиш.	2020 йилдан хар йили ноябрь ойида	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
13.	Республика ҳудудларига ташриф буюрган кекса авлод вакилларининг саёҳати давомида жамоаларга йўналиш бўйлаб ҳар бир туристик ва маданий мерос обьектлари ҳамда муқаддас қадамжолар ва уларнинг тарихи ҳақида сўзлаб бериш учун уларга ҳамроҳлик қилиш бўйича туризм соҳасидан яхши хабардор бўлган иқтидорли талабалар орасидан 50 нафардан кам бўлмаган кўнгилли ҳамроҳлар (волонтёрлар) рўйхатини шакллантириш ва уларни кекса авлод вакилларига бириктириш.	1. Муқаддас масканлар ва зиёратгоҳлар номларини аниқлаш. 2. Кўнгиллилар рўйхатини шакллантириш. 3. Кўнгиллилар асосида уларни танлаб олиш ва кекса авлод вакилларига бириктириш.	2020 йилдан режа асосида	Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
14.	Кекса авлод вакиллари учун моддий маданий мерос обьектлари, музей ва театрларга кириш ва қўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича 50 фоизгача чегирмалар бериш чораларини кўриш.	1. Режа ишлаб чиқиш. 2. Кексалар учун белгиланган чегирмаларни жорий қилиш.	2020 йилдан режа асосида	Маданият вазирлиги, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

